

Хомиланинг жинси кандай бўлиши аёлнинг тухум хужайраси эмас, балки эркакнинг уруги – сперманинг табиатига боғлиқ. Бола, хох киз бўлсин, хох ўғил бўлсин – жинси кандай бўлиши 23-хромосомалар XX ёки XY бўлишига мос равишда боғлиқ.

Умуман олганда, уругланиш пайтидаёқ эмбрионнинг жинси белгиланиб бўлади, кайси жинсда бўлиши эса тухум хужайрани уруглантирувчи сперманинг жинсий хромосомаси турига боғлиқ. Агар бу «X» сперма бўлса, хомила киз бўлади, агар «Y» сперма бўлса, хомила ўғил бола бўлади.

«Албатта, икки жуфтни; эркак ва аёлни яратган ҳам Ўзи. Нутфадан, окиб тушганда»
(Куръон 53:45-46)

Нутфа сўзи суюкликнинг бир лахзалик миқдори деган маънони билдирса, тумнаа сўзи окиб чикмок – эякуляция бўлмок ёки экмок маъносини билдиради.

Шунинг учун ҳам нутфа, асосан, сперма маъносини билдиради, чунки сперма окиб чикади.

Куръонда айтилади:

«У манийдан оккан нутфа бўлмаганмиди? Сўнг алака бўлди. Бас бекаму-кўст этиб яратди. Бас ундан жуфтни-эркак ва аёлни яратди ». (Куръон 75:37-39)

Бу ерда ҳам хомиланинг кайси жинсда бўлиши эркакнинг спермасидан чикувчи томчи сув (нутфатун мин маниййин) га боғлиқлиги яна бир бор таъкидланмокда.

Баъзи бир кайноналар, одатда ўқил неваралар кўргиси келади ва агар бола ўғил бўлмаса, келинларини айблашади. Канийди, хомиланинг жинсини белгиловчи омил аёлларнинг тухум хужайралари эмас, балки эркакларнинг уруг хужайраси эканини улар ҳам билишса! Шунда биронтасини айблаш керак бўлса, аввало, ўз ўғилларини айблаган бўлардилар, зеро, Куръон ҳам Илм ҳам боланинг жинси кандай бўлишига эркакнинг манийси жавобгар эканини кўрсатмокда.